



SHAPING HUMAN SPIRITUAL IMAGE THE ROLE OF RELIGIOUS TOLERANCE

Khusniddin Akhmedov,

International Islamic Academy of Uzbekistan

Director of the Center for advanced training,

doctor of political science, professor

Abstract. In this article, human value, education, spiritual image, qualities of perfection, issues of educating young people as perfect human beings, ideas regulating relations between members of society and the importance of religious tolerance in New Uzbekistan are revealed. The role of the idea of "Enlightenment and religious tolerance" put forward by the head of our state in recent years in ensuring peace and prosperity in the world, in particular in the Central Asian region, is analyzed.

Keywords: New Uzbekistan, spiritual life, human dignity, education, religious tolerance, interethnic harmony, perfect human being.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий, маънавий ва диний қадриятларни уйғунлаштириш, демократик тамойилларни амалга тадбик этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бизга яхши маълумки, Шарқда инсонга, инсон қадри ва ҳаётига муносабат, тарбия, маънавият ва комиллик ғояси асосига қурилган. Бу эса, ўз навбатида, инсон маънавий қиёфасини таъминлашга хизмат қиласиган баҳт-саодат ва эзгулик сари интилиш, қолаверса ана шу тамойиллар асосида ҳаёт кечириш зарурлигини тақозо этади. Инсоннинг бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қиласиган муҳим жиҳати шундаки, улардан юксакроқ турдиган борлиқни англаш, тушуниш қобилияти мавжудлигидадир. Шарқда шаклланган бой маънавият ва маърифат инсоният тарихининг турли даврларида, турли минтақаларда кескин бурилишга сабаб бўлган тараққиётга пойдевор яратган, десак муболага бўлмайди. Бизнинг юртимизда азалдан нодонлик ва хурофот қораланган, маънавият, маърифат, диний бағрикенглик ва тафаккурга кенг йўл берилганлиги айни ҳақиқатdir.

Юртимизда инсон маънавий оламини бойитиш, маънавий-ахлоқий қадриятларга таяниб яшаш, комилликка интилиш, ҳар томонлама баркамоллик олий қадрият сифатида улуғланиб келинган. Одамларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, ўлчов – инсонни қадрлаш, инсон деган муқаддас номга муносиб бўлиш бош мезон қилиб олинган. Бу жараёнда эса, албатта инсоннинг маънавий қиёфасини шакллантиришда халқлар ва миллат ўртасидаги ўзаро ишонч, ўзаро ҳурмат, диний бағрикенглик каби улуғвор мақсадларнинг амалда борлиги муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда динлараро бағрикенглик нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутган, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланган ғоя сифатида эътироф этилиб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу ғоя демократик жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз турли динларга мансуб кишиларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасидаги тотувликни таъминлаш борасидаги ишларнинг асосий мезонига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Шу маънода Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган резолюцияни қабул қилиш ташабbusи билан чиққани чукур мантиқий асосга эгадир. Зоро, муқаддас динимиз бағрикенгликка, эзгу амаллар ва баҳту саодатга олиб борадиган йўл айнан маърифат эканини алоҳида уқтиради” [3:456].

Бугунги кунда ислоҳотларнинг туб негизида халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва қадриятларимиз, аҳолининг руҳи ва қайфияти ҳам ҳар томонлама ҳисобга олиниб иш юритилаётгани қувонарли ҳол. Ҳар қандай ислоҳотнинг пировард-натижаси, аввало, унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига, унинг фаровонлигини оширишга

кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, одамларга ислоҳотларнинг маъно-моҳиятини аниқ-равшан тушунтириб бериш, шу асосда жамият аъзоларида эртанги кунга ишонч уйғотиш ва бу орқали инсоннинг маънавий қиёфасини шакллантири мухим аҳамиятга эга.

Президентимиз ташаббуси билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилганлиги ва ушбу стратегияда бешинчи йўналиш сифатида “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаши ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” белгиланлиги фикримизнинг тасдиғидир [2]. Бу ҳам, юртимизда фуқароларимиз хавфсизлиги, миллатлар ва диний бағрикенгликка берилаётган эътибордан далолат беради.

“Бағрикенглик” тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёsatшунослик, социология, фалсафа, илоҳиёт, этика, диншунослик каби фанлар доирасида кенг истифода этилади. “Толерантлик” – лотинча “tolerare”, яъни “чидамоқ”, “сабр қилмоқ” маъносини англатган бу сўз, асосан бирор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Хусусан, ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, “чидамлилик”, “бардошлилик”, “тоқатлилик”, “ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш”, “муруватлилик”, “химматлилик”, “кечиримлилик”, “мехрибонлик”, “ҳамдардлик” каби маъноларга эга.

Шу ўринда бағрикенгликнинг мухим йўналишларидан бири “диний бағрикенглик” эканлигини алоҳида қайд этишимиз лозим. Турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд фарқлардан қатъий назар, уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшashi ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан



қарашни англатадиган мазкур тушунча, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда, бу хуқуқقا бошқалар ҳам эга эканини эътироф этишини назарда тутади. “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да таъкидланганидек, “*Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди*”.

Асрлар мобайнида ўлкамизнинг шаҳару қишлоқларида масжид, черков ва синагогалар эмин-эркин фаолият кўрсатиб, турли миллат ва динга мансуб қавмлар ҳамжиҳатликда ўз диний маросимларини адо этиб келганлар. Тарихимизнинг энг муракқаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмаган. Бу эса, миллати ва диний қарашидан қатъи назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга хурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби туйғулар, бир сўз билан айтганда инсон маънавий қиёфаси юртимиз аҳолисининг қон-қонига сингиб кетганидан далолат беради. Айнан шу сифатлар халқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг маънавий асосини ташкил қиласди.

Маълумки, ҳар бир диннинг ўзига хос ақидалари мавжуд. Улар баъзан бир-бирига мутаносиб бўлса, баъзан зид ҳам келиши мумкин. Диний бағрикенглик ана шу хилма-хиллик асосида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, турли эътиқодларнинг ёнма-ён ва бир пайтда мавжуд бўла олиши учун хизмат қиласди.

Ҳадиси шарифларда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қиласдилар: “Имоннинг афзали сабр ва бағрикенглиқдир” [10]. Чиндан ҳам ислом дини таълимотига кўра, бағрикенг бўлиш имон белгисидир.

Ҳозирги кунда юртимизда истиқомат қилаётган турли дин вакиллари учун teng имкониятларнинг яратилиши, айниқса, диний бағрикенгликка доир қоидаларнинг қонуний асосларда мустаҳкамланиши таҳсинга сазовордир. Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 35-моддасида мустаҳкамланган “Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлиқ

хуқуқига эга. Диний қараашларни мажбуран сингдиришига йўл қўйилмайди”, деган қоида диний бағрикенглик учун дастурлама амал бўлиб хизмат қилмоқда [1]. Бу тамойилга кўра, ҳар ким ўз дини ва эътиқодига амал қилишда эркиндинг ва ҳар ким бу хуқуқга бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. Бир кишининг дин борасидаги қараашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 19-моддасида ҳам “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушибу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”, деган норма асосида турли диний эътиқоддаги инсонларнинг дини ва эътиқодидан қатъи назар қонун олдида тенг эканлиги эътироф этилган [1].

Бундан кўриниб турибдики, нафақат юртимизда яшаётган халқлар ва дин вакилларининг ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, қардошлиқ туйғулари, балки бугунги кунда бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ва одилона сиёсатнинг самаралари ҳам муайян тарзда ўз аксини топмоқда. Бунда айникса, демократик жамият қуриш тамойилларига мос равишда, мамлакатимизда миллий ва диний омилларга нисбатан тўғри муносабат белгилаб олингани ва барча ижтимоий, маънавий-маданий тараққиёт ўзанига батамом мос келадиган фаолият олиб борилганида намоён бўлади. Бу жиҳатдан, давлатнинг диндан, диннинг давлатдан ажратилгани ва виждан эркинлиги тамойилига амал қилинаётгани фуқаролик жамиятига мувофиқ эканини ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқламоқда.

Юртимизда этник ва диний хусусиятлар ва қадриятларга нисбатан ҳурмат қадим давлардан мавжуд. Ўз даврида Беруний, Ер юзини фақат ўзларига тегишли деб билувчиларни, фақат ўз халқинигина одам ҳисоблагувчиларни, фақат ўз ҳукмдорларини подшо дегувчиларни, фақат ўз эътиқодларини дин ҳисобладиганларни, ўзларида мавжуд нарсаларнигина илм санайдиганларни қатъий танқид қилиб, миллий ва конфессионал чеклашларга қарши чиқсан эди. Буюк мутафаккирнинг ушбу фикрлари ҳам бизнинг заминда бағрикенглик ўзининг қадимий илдизларига ега еканидан далолатдир.

Мамлакатимизда бағрикенгликни ривожлантириш бўйича нуфузли конференциялар, симпозиумлар, давра сухбатлари, семинарлар ўтказиб келинмоқда. Республика байналмилал маданият маркази томонидан турли ташкилотлар билан ҳамкорликда муентазам равишда ўтказиб келинаётган илмий-амалий анжуманлар ҳам шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда бағрикенглик муаммоси доирасида амалга оширилаётган тадқиқотларда бу тушунчанинг таърифлари ишлаб чиқилмоқда. Улардан бирига кўра, “Бағрикенглик бу фуқаролик жамиятининг барча фуқароларнинг турлича бўлиш ҳуқуқида намоён бўладиган қадриятлари ва социал меъёрларидир. Шунингдек, у турли конфессиляр, сиёсий, этник ва бошқа социал групкалар ўртасидаги ўзаро барқарор уйғунликнинг таъминланишини, дунёдаги турли маданиятлар, сивилизасиялар ва халқлар хилма-хиллигини ҳурмат қилишни, ташқи кўриниши, тили, еътиқоди, анъаналарига кўра фарқланувчи одамлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрликни ҳам англатади”.

Бағрикенгликни шакллантиришда таълим тизими мухим ўрин тутади. Бироқ бу соҳада туб ўзгаришларни амалга оширмай туриб, бағрикенглик маданиятига ега бўлган шахсни тарбиялаш мумкин эмас.

Таълим жараёнидаги бағрикенглик ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Бундай бағрикенгликни икки томоннинг тенгма-тенг

мулоқоти тарзида талқин этиш нотўғри. Ю.М.Лотман университет таълимидаги ўқитувчи ва талаба, тажрибали педагог ва ёш мутахассислар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари ҳақида шундай ёзади: “Бу ерда ўқитувчи ва ўқувчилардан бирини баланд ёки паст деб бўлмайди. Бу йерда ҳамма касбдош, яъни улар биргаликда ишлайдиган одамлардир. Зоро, олий ўқув юртининг фаолияти ҳамкорликка таянади. Бир томон ўқишни хоҳлайди, иккинчи томон еса, уларга бу борада ёрдам беради”.

Қатор муаллифлар ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муаммоларнинг кескинлашувига таълим жараёнида педагогларнинг доминантлик позисиясининг сақланиб қолаётганини сабаб қилиб кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, бундай ҳолат замон талаби ва маданиятига мос келмайди. Таълим жараёнига бағрикентлик тамойилини ижодий қўллай билиш, бир томондан, таълим самарадорлигининг ошишига хизмат қиласа, иккинчи томондан, бағрикенгликнинг социал муносабатларнинг бошқа шаклларида ҳам намоён бўлиши учун катта имкониятлар яратади.

Бағрикентлик ва ноаниқлик тамойиллари биргаликда ҳамкорлик педагогикасида уйғулашади. Бу эса айнан “ноаниқлик вазиятида ўқувчи билан алоқа ўрнатишга йўналтирилган бўлади. Чунки бу тарбияланувчида муайян хулқ-атворни шакллантиришнинг муҳим механизмидир.

Бағрикентликка асосланган тарбия серқирра характерга эга. Шунингдек, Ўзбекистондаги полиетник, кўп тиллилик шароитида бундай тарбияни амалга ошириш маданиятлар хилма-хиллигига асосланган таълимни тақозо этади. “Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатлилиги жамиятнинг янгиланиши ва демократлашуви билан боғлиқ бўлган, халқнинг миллий ўзликни англаши ва маънавий юксалишига хизмат қилувчи кучли омил ҳисобланади ҳамда мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграсиялашуви учун зарур шароит ва имкониятлар яратади”.

Маданиятлар хилма-хиллигини таъминлашга асосланган таълим вазифалари қаторида қуйидагиларни санаш мумкин:

- ўқувчиларнинг бошқа маданиятларга интеграсия-лашувнинг шарти ҳисобланган ўз халқи маданиятини чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштиришига кўмаклашиш;
- ўқувчиларда Ўзбекистон, Марказий Осиё, МДҲ мамлакатлари ва умуман, дунё маданияти ранг-баранглиги тўғрисидаги тасаввурни, маданий тафовутларга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш;
- ўқувчиларнинг бошқа халқлар маданиятига интеграциялашуви учун шароит яратиш;
- турли маданият вакиллари билан ўзаро самарали таъсирлашув малакасини шакллантириш ва ривожлантириш;
- таълим олувчиларни тинчлик, тоқатлилиқ, инсонпарвар миллатлараро мулоқот руҳида тарбиялаш.

Умуман олганда, умумтаълим ўқув курслари ўқувчига ўзига хослик, маданий анъаналар ва қадриятлар, етник ва миллий ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний маданият, маданиятларнинг умумий илдизлари, уларнинг хилма-хиллиги ва ўзаро таъсирлашуви, миллатлараро ва шахслараро мулоқот маданияти, ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, тоқатлилиқ ва бағрикенглик каби маданиятлар хилма-хиллигига асосланган таълимнинг асосий тушунча ва категорияларининг мазмунини англаб олиш имконини беради.

Маданиятлар хилма-хиллигига асосланган таълим дастурида дунё маданияти ва инсон ҳуқуқларини ўргатишга алоҳида еътибор қаратилади. БМТ ва ЮНЕСКО ҳужжатларига кўра, дунё маданиятини ўқитиш еркинлик, адолат, демократия, тоқатлилиқ тамойилларига асосланган сосиал муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишини, зўравонликнинг ҳар қандай шаклларидан воз кечиши англатади. Бундай мазмундаги сосиал муносабатлар натижасида, зиддиятларни, уларни юзага келтирувчи

сабабларини музокаралар, мулоқотлар йўли билан илк босқичларидаёқ бартараф етиш имкониятлари пайдо бўлади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ўқитиш борасида салмоқли қонунчилик базаси яратилганини таъкидлаш жоиз. Бу, енг аввало, ўқув юртларининг мазкур соҳадаги фаолиятини йўналтирувчи ва рағбатлантирувчи, миллий тарихимизда илк бор инсон ҳуқуқ ва еркинликлари олий қадрият сифатида еътироф етилган конститусиявий қоидалар, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлариридир.

Илмий адабиётлардаги мавжуд қарашлар таҳлилига таяниб шуни айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқларини узлуксиз равища (мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб) ўқитища:

- юксак инсоний фазилатларни тарбиялаш;
- шахслараро муносабатларни тоқатлилиқ, ўзаро хурмат, ҳамжиҳатлилик ва ишонч руҳида ташкил етиш кўникмасини тарбиялаш;
- миллий ва халқаро миқёсдаги инсон ҳуқуқлари ҳақидаги билимлар ва қадриятларни уйғун тарзда йетказиши;
- инсон ҳуқуқлари ва сайёрада тинчликни сақлаш ажralmas ҳодисалар еканини тушунтиришдек асосий мақсадлар кўзланади.

Кўп омиллилиқ ва кўп функциявийлик тамойилларига таянувчи педагогик жараёнга асосланган турли еркин тарбия тизимлари маданиятлар хилма-хиллигига асосланган таълимнинг муҳим қисми ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб, бу йўналишда валдорф педагогикаси, маданиятлар мулоқоти, “янги гуманизм” педагогикасига асосланган мактабларнинг ташкил топганини таъкидлаш жоиз.

Нафақат, билимли, айни вақтда, маданиятли инсонни тарбиялаш – маданиятлар муроқоти мактабининг устувор тамойилидан бири сифатида чиқади. Бундай инсон, мутахассислар фикрича, “бир-биридан фарқ қиладиган маданиятлар, фаолият шакллари, қадриятлар, дунёқарашларни ўз тафаккури ва фаолиятида бирлаштирган бўлади”.

Умуман олганда, тадқиқотлар “маданиятли инсон” концепсиясини амалга ошириш таълим мазмун-мундарижасини ўзгартиришни тақозо этаётганини кўрсатади. Мазкур йўналишдаги зарур ўзгаришлар туфайли муроқот тамойили амалда кенг тарқала боради ва илмий адабиётларда кенг тарқалган ёндашувларга кўра, бир қатор жиҳатларда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистонда қадим даврлардан буён турли халқ вакиллари тинч ва тотув яшаб келмоқда. Бугунги кунда ҳам бизнинг умумий, тинч ва нурафшон уйимизда ҳукмрон бўлган эзгулик ва ҳамжиҳатлик руҳи мустақиллик йилларида янада мустаҳкамланди ва ривожланди.

Мамлакатимиз таълим тизими ҳам бундан мустасно эмас. Самарали амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли таълимнинг бағрикенглик хусусияти тобора ортиб бормоқда.

Кўп йиллик тажрибага ега бўлган тадқиқотчилар К.Ситорам ва Р.Когделл томонидан маданиятлараро муроқот иштирокчилари учун ишлаб чиқилган амалий тавсиялар, маданиятлараро коммуникасияни, шунингдек, этник, миллий, диний ва бошқа белгиларига кўра фарқ қилувчи инсонларга тоқатли муносабатни шакллантириш йўлидаги қимматли манба ҳисобланади.

Ушбу олимлар томонидан шакллантирилган ўзига хос ахлоқ Кодексида:

- ҳар бир инсон дунё маданий стандартларини қарор топтира олмаслигини англаб йетиши;
- аудитория маданиятига худди ўзининг маданиятига ёндашгани каби муносабатда бўлиш;

- ўз қадриятларидан узоқлашган ҳолда, бошқа маданиятларнинг қадриятлари, эътиқоди ва одатлари устидан ҳукм чиқармаслик;
- доимо бегона қадриятларнинг маданий асосларини тушуниш заруриятини ёдда тутиш;
- ўз динини бошқа динлардан устун қўймаслик;
- бошқа дин вакиллари билан мулоқот чоғида уларнинг динларини тушуниш ва хурмат қилишга ҳаракат қилиш;
- бошқа халқларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва ресурслари таъсирида шаклланган таом тайёрлаш ва уни истеъмол қилиш одатларини тўғри тушуниш;
- ўзга маданиятларда қабул қилинган кийиниш одобини ҳурмат қилиш;
- ёқимсиз хидлардан, агар улар бошқа халқлар учун ёқимли ҳисобланса, улардан намойишкорона жирканмаслик;
- инсонга, унинг рангига кўра муносабат белгиламаслик;
- кишининг талаффузи бошқача бўлган тақдирда ҳам, унга “юқоридан” туриб қарамаслик;
- ҳар бир маданият, хатто у жуда кичик бўлса-да, дунёга намойиш киладиган нарсаларга эга еканини, шунингдек, барча жиҳатларда монопол бўла оладиган маданиятнинг мавжуд емаслигини англаш;
- маданиятларро алоқа чоғида ўз маданияти ийерархиясидаги юқори мақомидан фойдаланиб, бошқа маданият вакиллари хулқ-авторига таъсир қилишга уринмаслик;
- бир этник групхонинг бошқасидан устун туришини ҳеч қайси илмий хулосалар тасдиқламаганини ёдда тутиш асосий тамойиллар сифатида қайд қилинганини таъкидлаш зарур.



Маълумки, шахс шаклланишида оила муҳим ўрин эгаллади. Бағрикенглик маданиятини тарбиялашда ҳам мазкур ижтимоий институтнинг аҳамияти каттадир. Оиладаги муҳит бунда ҳал қилувчи омиллардан саналади.

Бағрикенглик маданиятини тарқатишнинг яна бир йўналиши бу оммавий ахборот воситаларидир. Эркинлик қонуний кафолатланган ҳозирги глобаллашув шароитида ҳам, уларнинг фаолияти бағрикенглик талаблари даражасида эмаслиги кузатилмоқда. Турли мазмун ва шаклдаги ахборот кураши ифодаси бўлган нашрлар, телерадиодастурлар ва Интернет саҳифаларининг эълон қилинаётгани, улардан тоқацизлик муносабатларини шакллантиришга хизмат қилувчи фикр-мулоҳазалар, қарашлар ўрин олаётгани кўпчиликка маълум. Токи оммавий ахборот воситалари бутун жамиятнинг эмас, балки айрим гуруҳ ва кучлар манфаатларига хизмат қилар экан, бундай ҳолат такрорланаверади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, глобаллашиб бораётган бугунги кунда жамият хаётида миллатлараро мулоқот, сабр-тоқат, диний бағрикенгликни кучайтириш ҳар жиҳатдан долзарб вазифага айланди. Ушбу жараёнда юртимида тўпланган асрий тажрибалардан унумли фойдаланиш, бу борада замонавий реалликларни инобатга олган ҳолда мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш янада муҳим аҳамият касб этишини чуқур англаган ҳолда фаолиятимизни шунга мос ҳолда сидқидилдан Ватанимиз равнаки йўлида садоқат ва фидоийлик билан хизмат қилишимиз зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023й., 03/23/837/0241-сон.
<https://lex.uz/uz/docs/6445145>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги



Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2022 й., 4-сон, 26-модда.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 456.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ҳам ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2020.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2016.
7. Ахмедов X. (2021). Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш асослари. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси.
8. Темур тузуклари. – Тошкент, “Ўзбекистон”. 2019. – 184 б.
9. Қодирий А. Ўткан кунлар. –Т.: Faфур Fулом номидаги НМИУ, 2017.
10. Минг бир ҳадис. – Т. I. / Арабчадан Абдулазиз Мансуров таржимаси. – Т.: Ўзбек маскани, 1991. – 80 б.